

Qishloq hayoti

2012 йил

Мустақкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 17-АВГУСТ, ЖУМА, 97 (8022) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

**Н.Ш.Жабборовни
«Меҳнат шухрати» ордени
билан мукофотлаш
тўғрисида**

Давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақкамлашдаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходими Нурулла Шукорович Жабборов (марҳум) «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 16 август

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

**РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ
НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ҳайъати 2012 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 19 август яқинба кунига тўғри келиши ҳақида қарор қабул қилганини инобатга олиб, Ҳайит айёмини кенг нишонлаш мақсадида 2012 йил 20 август кунини дам олиш кунини сифатида белгиланган ва 19 август байрам кунига қўшилсин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли, юқори даражада ҳамда халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши бўйича тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 16 август



ЭЪТИБОРУ ПАРВАРИШИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЛОЗИМ

Жорий йил деҳқончилик учун табиий қулай йил бўлди. Аини пайтда давлатимиз томонидан ҳам пахтакорлар учун шароитлар яратиб берилди. Ушбу омиллар, ўз навбатида, гўзанинг баравар ривожланиши, пайкалларда етарли миқдорда ҳосил нишонлари тўпланишида катта аҳамият касб этди. Аммо гўзамизнинг бугунги ҳолатига ишониб қолмаслигимиз, ҳосилни сақлаб қолиш ва уни янада кўпайтириш чораларини кўришимиз даркор. Демакки, парваришни янада кучайтириш лозим.

Гўза кун санайди. Бу иборани ишлатишимизнинг боиси шунки, парвариди яна ўн-ўн беш кунлик долзарб кунлар қолди. Бу йилгидек қулай иқлим шароитидан фойдаланиб, машаққатли меҳнатимиз эвазига етиштирган ҳосилимиз баракасини сақлаб қолиш, нишонларни ҳосилга айлантириш ана шу кунлардаги меҳнатимиз, диққат эътиборимизга боғлиқ.

Аини пайтда деҳқон тақвими бўйича асаднинг сунбулага уланиш

даври. Деҳқонларнинг кузатишича, бу давр об-ҳавосида муайян ўзга-

АВГУСТ — ПАХТА ҲОСИЛИНИ САҚЛАШ ВА КЎПАЙТИРИШ ПАЛЛАСИ

ришлар бўлиб келган. Сунбула баъзида ёмғир ва салқин ҳаво билан кириб келган бўлса, баъзан ҳаво ҳарорати саратондагидек бўлган. Мутахассисларнинг маълумотиغا кўра, кейинги кунларда иссиқ ҳарорат ку-

тилмоқда. Тажрибали пахтакорлар бундай вазиятда сўғоришга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини таъкидлашмоқда. Ҳақиқатан ҳам, августдаги сувнинг аҳамияти бекиёс. Ахир, «Асад суви — асал суви» ибораси бежизга келиб чиқмаган-да. Сўғоришда гўзани чанқатиб қўйиш тавсия этилмагани каби кўллатиб юбориш ҳам зарардир. Сув меъёридан ошиб кетса, гўзанинг «меъдасига уриб қолиши» ҳеч гапмас. Қолаверса, кўллатиб юбориш гўза қатор ораларига ишловни ке-

чиктиради, бегона ўтлар ва зараркунандаларнинг кўпайишига шароит яратди, «варақлаш» тадбирига ҳалокат беради.

Гўзани сувга қондириш фақат «шарбат» усулида амалга оширили-

ши керак. Ҳосил тўплаётган экинга маҳаллий ўғитнинг озуқа сифатида қанчалик мадор бўлишини пахтакорлар жуда яқин билишади. Мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда, сувчиларни кўпайтириш, уларга етарли шарт-шароит яратиб бериш, сўғоришни тунда ўтказишни ташкил этиш лозим бўлади.

Гўза қатор ораларига ишлов беришни тўхтатиш мумкин эмас. Бугун механизатор ўзига бўлган талаб ва масъулиятни янада оширадиган вақт. Айниқса, сувчи билан механикаторнинг ҳамфикрлиги, ҳамжиҳатлиги муҳим аҳамиятга эга. Оби-тобида — тупроқдаги намликнинг меъёрида амалга оширилган культивация ҳосил сифати ва салмоғини оширади. Культивацияни ўтказишда гўза илдизларининг шикастланишига йўл қўймаслик, ҳосил нишонлари сақланиб қолишига эътибор қаратиш лозим.

(Давоми 2-саҳифада)

Куннинг
муҳим
воқеалари

► Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбийларга янги уйларнинг қалитлари топширилди. Мудофаа вазирлиги вакилларининг маълум қилишича, Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрами арафасида Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё, Самарқанд ва бошқа ҳудудларда ҳам ҳарбий хизматчиларга янги уйлар топширилди.

► Фарғона шаҳрида «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур танловда юз нафардан зиёд ижодкор ўз асарлари билан иштирок этди.

► Наманган шаҳридаги Бобур маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган «Маҳалла кунини» ташкил этилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимлари ва бошқа бир қатор давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда шаҳардаги мавжуд саксон иккита маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари қатнашди.

► Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлимида «Хуқуқий демократик давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» ЯНГИ УФҚЛАРГА ИНТИЛМОҚДА



Энг улуг, энг азиз байрам — истиқлолимизнинг 21 йиллиги ва авиация ходимларининг 19 август кунини нишонладиган касб байрами арафасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қувончли хушxabар келди: мамлакатимиз авиакомпанияси «Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган улкан ютуқлари учун» номинациясида «Парвозлар хавфсизлиги» нотижорат шериклик ташкилотининг мукофотига ҳамда «Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган улкан ютуқлари учун» фахрий мукофотини авиакомпаниямизга тақдим этган Халқаро парвозлар хавфсизлиги жамғармасининг (Flight Safety Foundation) дипломига сазовор бўлди. Бундан ташқари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» IOSA аудитидан муваффақиятли ўтди ва бу ҳам соҳа учун муҳим воқеага айланди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян компания аришган ютуқлар ва тўпланган тажриба, миллий авиакомпания инфратузилмасини модернизация қилиш босқичлари, соҳада жорий этилган техник ҳамда технологик янгиликлар ҳақида сўзлаб берди. У ўтган вақт мобайнида бу борада кўплаб ишлар амалга оширилганини, бугун Президентимиз Ислам Каримовнинг узокки кўзлаб юритаётган сийсати юксак самаралар бераётганини ҳамда мамлакатимизда ягона фуқаро авиацияси тизими шаклланишини таъкидлади.

Президентимизнинг фуқаро авиацияси соҳасини хар томонлама кўллаб-қувватлаши самарасида ҳозир барча тузилмаларда белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини берадиган аниқ мақсадли ва серқирра ишлар амалга ошириляптир. Ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлар ўсумоқда, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ошмоқда, технологик база мунтазам янгиланмоқда, аэропортлар ва бошқа объектларни техник жиҳозлаш тақомиллашмоқда.

2012 йилнинг олти ойида ба- жарилган ишлар якунлари бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» са-

молётлари 12339 авиақатновни амалга оширди ва бу 2011 йилнинг олти ойига нисбатан 419 тага кўпдир. Шунингдек, 1 миллион 244 минг нафар йўловчи авиакомпания хизматларидан фойдаланди ва бу ҳам ўтган йилнинг шу даврига қараганда 17,1 фоиз кўп. Жами 20 минг тонна юк ташилди. 755 тонна почта жўнатилди, ўсиш 20,5 фоизни ташкил қилди.

«Навоий» халқаро аэропорти базасидаги йирик Интермодаль марказ янада ривожланмоқда. Бугун кунига 300 тоннагача юкни қабул қилиш қувватига эга юк терминали ишлаб турибди. Со- атига 400 нафар йўловчини ўтказиш имконига эга, халқаро стан-



дартларга жавоб берадиган, барча қулайликлар яратилган янги йўловчи аэровокзали фойдаланишга топширилди.

Миллий авиакомпаниянинг машғулот комплексига янги Boeing-767 тренажёрли ўрнатилган бўлиб, унда учувчилар стандарт ва ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш кўникмаларини тақомиллаштиради. Яқин вақт ичида компаниямиз учувчилари нафақат замонавий А320 ва Boeing тренажёрлари, балки ўзимизда ишлаб чиқарилган Ил-114-100 самолёти симулятори — «Full-flight» да реал шароитларга яқинлаштирилган ҳолатларда парвоз қилишни ўрганиши мум-

кин. Шунингдек, самолётлар парки янги авлод ҳаво кемалари билан тўлдирилмоқда. Жорий йилда янги Boeing-767 лайнерлари сонини тўрттага кўпайди, 2014-2016 йилларда эса миллий авиакомпаниямиз яна иккита Boeing-787 Dreamliner самолётларини олади. Аини пайтда хар икки томон мутахассислари «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси базасида самолётлар конструкциясининг композицион материаллардан тайёрланган йирик эҳтиёт қисмларини таъмирлаш бўйича минтақавий

наётган аэропорт» номинациясида яна бир бор ғолиб бўлди. «Ургач» халқаро аэропортида ишга туширилган йўловчиларни қабул қилиш залининг янги биносиди соатига 200 нафаргача йўловчи- га сифатли хизмат кўрсатиши учун барча шароитлар яратилди. Мамлакатимизнинг барча аэропортларида сифат менежменти тизими жорий этилган ва бу сертификатлар билан тасдиқланган. Барча жойларда янги техника ва технологиялар, замонавий ускуналар жорий этилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ЭЪТИБОРУ ПАРВАРИШИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЛОЗИМ

(Боши 1-саҳифада)

Далага культиватор киргизишнинг ҳам ўзига яраша қоидалари бор. Бунда тракторларнинг ишчи қисмлари "балиқсирти" қилиб ўрналиши, техника бир маромда ҳаракатланиши лозим. Агарда шу жиҳатларга эътибор қаратилмаса, янада тракторнинг ҳосилига зарар етиши мумкин. Ғўза қатор ораларига ишловни куёш тафти кунайган паллада ўтказиш зарур. Зеро, салқинда ғўза барги ва пояси таранглашиб, муртлашади. Синишга, узилтишга мойил бўлади. Кун тафтида эса сулғин-

лашади, эгилувчанлиги ортади. Маромида ва мақбул муддатда ўтказилган ушбу тадбир натижа-сида ғўза илдизлари етарли миқ-дорда ҳаво ва ҳарорат олади. Ғўза илдизлари ривожланиши, тўпланган ҳосил сифати оши-би, ҳосилга ҳосил қўшилиши. Айтиб ўтганимиздек, кутилаёт-ган иссиқ ҳарорат ғўза зарарку-нандалари кўпайишига шароит яратиши мумкин. Шу боис, дала-дан феромон тутқичларни олиб қўйишга шомилмаслик керак. На-зорати, эътиборни ошириш ло-зим. Зараркунандалар уясига ай-

ланиб қолиши мумкин бўлган бе-гона ўтлардан далани тозалаш-миз, ғўза қатор ораларини айла-ниб чиқишимиз лозим бўлади. За-раркунандалар қузатилган май-донларга фойдали ҳашаротлар билан ишлов беришни бир лаҳза ҳам кечиктирмаслигимиз даркор. Бугунги барча агротехник тад-бирлар ишчиларни далага кўпроқ жалб этишни тақозо этаётди. Айни шу жиҳат яна бир муҳим тад-бир — ғўзани "варақлаш"да ҳам қўл келади. Мазкур тадбир ғўза орасини шамоллатиш, ҳаво айла-нишини таъминлаши билан

аҳамиятлидир. Ғўза қатор орала-ри "варақланар" экан, ғўзанинг ҳолати, сувга, озукка талаби ҳам кўздан кечириб борилади. Қолоқ майдонлар аниқланиб, уларга ало-ҳида ишлов берилади. Парваришдаги долзарб кун-ларда пахтакорлар сувчи, механи-затор, энтомолог, агроном ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан бамаслаҳат, ҳамжиҳат иш юритишни, ҳар бир агротехник тадбирни ғўза ривожининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқ-қан ҳолда, энг қулай муддатда ва маромида адо этишга бош-қош

бўлишни талаб этмоқда. Илм ва тажриба билан қуролланган пах-такор, албатта, шароитдан унум-ли фойдаланади. Кўзлаган мақса-дида етади — мўл ҳосил етишти-ради. Ниятимиз яхши, мақсадимиз улғу — мўл ҳосил етиштириш, юр-тимизнинг пахта хирмони юксали-шига муносиб улғу қўйиш. Бу эса пахтакор, мутахассис мутасадди-лардан ҳосил тақдири ҳал бўлади-ган шу кунларда янада фолроқ бўлишни, масъулият билан иш ташкил этиб, шу мақсад йўлида туну кун курашишни талаб этади.

Тошкент Вилояти

Бугун 91 минг 500 гектар майдонда ғўза парваришдаётган Тошкент вилояти фермер хўжаликлари далаларида бўлган киши ҳар қачонгидан ҳам жўшқин-роқ меҳнатнинг ғувоҳи бўлади. Жорий йилда маҳаллий климатга мос "Ан-Боёвут-2", "С-65-24" ҳамда "Наманган-77" навларининг экилган деҳқонлар-нинг бу борада янгилашмаганликларини кўрсатмоқда. Негаки, ушбу навларнинг етилиши ғўзани чилпиш ўз муддатидега ўтказилгач, тобора тезлашиб бормоқда. Бундан руҳланган деҳқонлар август ойининг ҳар лаҳзасини қанимат билиб, экинларни сугориш ва озиклантиришга зўр бермоқдалар.

Жўшқин Меҳнат Мавсуми

Далаларда агротехник тадбирларни си-фатли амалга ошириш учун 1,5 мингдан зиёд чопиқ тракторлари самарали ишлатил-моқда. Ушбу тадбирлар, айниқса, Бўка, Оққўрғон, Куйи Чирчиқ, Пискент ва Юқори Чирчиқ туманларида қизгин кечмоқда. — Эрта баҳорда дала бошига 180 тонна маҳаллий ўғит чикардик, — дейди Оққўр-ғон туманидаги "Қизилгул она" фермер хўжалиги раҳбари Исоқжон Норкулов. — Ушбу тадбиримиз чилла даврида 56 гектар майдондаги ғўза ниҳолларини "шарбат" усу-лида қондириб сугориш имконини берди. Ғўзани тунда сугориш бўйича Бўка туманида алоҳида тажриба тўпланган. Шу кун-ларда 473 та фермер хўжалиги ихтиёрида-

ги 15 минг 271 гектар ғўза майдонлари асо-сан тунда "шарбат" усулида сугорилмоқда. Мазкур ишларга туман бўйича 2976 нафар тажрибали сувчи жалб этилган. — Ғўзани тунда сугориш кундузгидан анча самаралироқдир, — дейди "Кўштела" сув-дан фойдаланувчилар уюшмаси раиси Маъ-руф Сайдалиев. — Муҳим жиҳат шундаки, тунда сув буғланиши камайгани сабаб — обихаёт тежаллади, қатор ораларига солин-ган маҳаллий ва минерал ўғитлар ҳам экин-лар томонидан яхши ўзлаштирилади. Бу эса кўсақларнинг бўлиқ, толанинг пишқи бўли-шини таъминлайди.

Жиззах Вилояти

Барча Тадбирлар Оби-Тобида

Бугун пахтакорлар ғўза шохларидаги кўсақ, кўрак ва очилган лўпчиларни санамоқда. Бу ўринда "кўрак" сўзини кўсақнинг пишиб, "тиш ёриб" турганларига нисбатан ишлатаятиримиз. Боиси, ҳосил шу кўсақ, кўрак ва очила бошлаган чаноқ-лар. Гул ва шоналарнинг чин маънодаги ҳосилга айланиши учун ҳали ишлашимиз, уларни парва-ришлашимиз керак.

Одатда ёз чилласи чиқи-ши билан об-ҳаво бироз салқинлашарди. Бу йил ҳаво ҳарорати иссиқ келмоқда. Ана шу жиҳат зараркунандаларнинг фаоллашувига омил бўлиши мумкин. Демакки, олдимизда масъулиятли иш кунлари турибди. Бу йил ғўзамиз ривож-и олдинги йиллардагидан анча олдинда. Қулай иқлим, яратиб берилган шароит бу-нинг асосий омили. Қолавер-са, хўжалигимизда бу йил чи-гитни пуштага эккандик. Барча тадбирларни оби-то-бида олиб бордик. Айни кун-

ларда ғўзаларимиз ҳосил тўплашда давом этмоқда. Эндиги вазифамиз ғўза пар-варишини давом эттириши-га эмас, кучайтириш ҳамдир. Ғўза шохлари эгатдан-эгатга ўтиб, бир-бирига қўл қўзганча айқашиб кетган далаларда қулайиватор юр-гизиш бирмунча қийин. Эгатириш "варақлаш", ғўза тагини шамоллатиш, паст-ки ҳаво йўларини очиб би-лан биз экиннинг тупроқ таркибидега қолдиқ озукка-ларини, чилпишдан кейинги обихаётни тўлароқ ўзлаш-тиришига ёрдам бериб, шу

кунларда пайдо бўлаётган ҳосил нишонларининг ҳам пахта бўлишига эришамиз. Баъзи деҳқонларда "Энди кўсақлар тўлишиб, котиб қолди, зараркунанда ҳашарот-лар писанд эмас", деган ту-шулча бор. Лекин кўсақ тур-тининг йил давомида тўрт мар-та уруглаб, уруғларини ғўза-нинг барра барглари, гул ва шоналарига қўйишни ҳисоб-га олсак, ҳали далаларимиз-дан феромон тутқичлар ҳамда фойдали ҳашаротларни арит-маслигимиз керак бўлади. Ҳар гектар пахтазоримиз-дан шартнома режадаги 29 ўрнига 35 центнердан ҳосил олиш учун ҳаракат қилаётим-из. Августдаги меҳнат ва шижоатимиз билан мақса-димизга етамиз. **Ўткир АБДУРАҲМОНОВ, Мирзаҷул туманидаги "Умрзоқ" фермер хўжалиги раҳбари.**

Миллий матбуот марказида "Ўзбек-энерго" давлат акция-дорлик компанияси томонидан электр энергияси соҳасини техник ва технологик модернизация қилиш, янги қувватлар ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан оқилона фойдаланишга бағишланган тадбир ташкил этилди.

КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯЛАРИ

Таъкидландики, мамлака-тимизда электр энергияси асосан иссиқлик электр-станциялари ва гидроэлек-тродан олинган шундан мақ-сулот ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол-чиларга етказиб берилади. 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида "Ўзбекэнерго" компанияси томонидан мақ-сулот ишлаб чиқариш ҳам-жи 100,2 фоизни таш-кил этди. Яъни истеъмол-чиларга 21,3 млрд. кВт.соат электр энергияси етказиб берилиши таъминланди. Иссиқлик энергияси 4,3 млн.Гкал ҳажмида узатилди. Жорий йилнинг шу даври-га қадар мақсулот экспорти 147,5 фоизга бажарилди, яъни қўшни давлатларга шартномалар бўйича электр энергияси етказиб берилди, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларига доир хиз-матлар кўрсатилди.

Президентимизнинг "Са-ноат кооперацияси асосида тайёр мақсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар иш-лаб чиқаришни маҳаллий-лаштиришни янада чуқур-лаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ компа-нияда маҳаллийлаштиришга оид 7 та лойиҳа амалга оши-рилмоқда. Улар мамлақати-мизда электр энергияси со-ҳасини модернизация қилишда алоҳида аҳамиятта эга. "Ўзбекэнерго" компания-си томонидан хизмат кўрсати-ш сифатини янада яхши-лаш борасида қатор ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Хусусан, тўловлар-ни интернет тармоғи орқали ҳамда СМС тарзида амалга ошириш тизими му-камаллаштирилмоқда. Матбуот аноманида иш-тирокчилар мамлақатимизда бугунги кунда электр энергия соҳасидаги техник ва техно-логик янгилаш жараёни, олиб борилаётган ишловлар билан батафсил танишилди. **Зулфия АХМЕДОВА**

Бухоро Вилояти

Фулмон ака асл деҳқонлардан. Ўттиз йил далада меҳнат қилган. Мана 14 йилдирки, фермер хўжалиги раҳбари сифатида фаолият юритади. Соҳада ўзига хос тажриба тўплагани ва уларга таяниб иш тутаётгани сабаб, хўжаликда ҳар йили галла, пахта ҳамда бош-қа қишлоқ хўжа-лиги экинларидан юқори ҳосил оли-нади.

Қўшимча Ҳосил — Қўшимча Даромад

— **ДЕЙДИ КОГОН ТУМАНИДАГИ "ЭЛЁР" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ ФУЛМОН ЁДГОРОВ. ШУ БОИС, МАЗКУР ХЎЖАЛИҚДА ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ МАҚСАДИДА АВГУСТ ОЙИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР БИР МАРОМДА ДАВОМ ЭТТИРИЛЯПТИ.**

Деҳқончилик учун жорий йил қулай келди. Галлачиликдан кутил-ган натижага эришилди. 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан сал-кам 60 центнердан дон йиғишти-риб олинди. 150 тонна дон давлат-га сотилди. 120 тоннадан ортиқ ҳосил фермер ихтиёрида қолди-рилди. — Ғўза экинларининг ҳосилидан ҳам кўнглимиз тўқ, — дейди фер-мер. — Аммо хотиржамликка бе-рилганимиз йўқ. Август ойининг пахта ҳосили тақдирини ҳал қилишда туган ўрнини яхши би-лашимиз. Ахир экинга беэътибор

бўлсак, эрта баҳордан буён қил-қан меҳнатимиз бесамар кетиши ҳеч гап эмас-да. Ва аксинча, яна 10-15 кун далада сидқидилдан меҳнат қилиш натижасида катта даромад эгасига айланишимиз мумкин. Мутахассислар иштирокида ғўза майдонларини апробациядан ўтказдик. Ҳозирда ҳар бир тул ғўзага ўртача 9-9,5 дондан тўлиқ кўсақ тўғри келяпти. Бу 30-35 центнер ҳосил дегани. Яна ҳар қўчатда 2-3 та гул ва шоналар ма-вжуд. Шу кеча-кундузда меҳнат қилиб, уларни ҳам тўлиқ кўсақлар-

га айлантира олсак, марра бизни-ки бўлади. Хўжаликнинг 76 гектардан иборат ғўза майдонларида иш қизгин давом этапти. Қатор ораларини "варақлаш" мақсадида культивация ишчи органлари "балиқсир-ти" қилиниб, ишлов бериляпти. Бегона ўтларни олиш тадбирлари давом эттириляпти. Бу каби юмушлар ғўзаларнинг пастки қис-мида ҳаво алмашинувини яхшила-ши билан ҳам аҳамиятлидир. Су-ғориш ишлари "шарбат" усулида ташкил этилган. 3 гектардаги ғўза ривожланиш-

дан бироз ортада қолган майдонга алоҳида эътибор қаратилган. Улар-ни ҳам олд экинлар қаторига қўйиш мақсадида иш олиб бориляпти. Хўжаликда жорий этилган яна бир мақбул тизим фикримизни жалб қилди. У ҳам бўлса, бу ерда йил бўйи сувчи, механизатор ҳамда бошқа дала меҳнатқашлари ишини ўз вақтида ва фақат бажа-рилган юмушининг сифатига қараб раббатларини боририлган. Шу боис, хўжаликнинг ҳар бир аъзоси ишга сидқидилдан ёндашади. **Ҳамроз АЛИ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» ЯНГИ УФҚЛАРГА ИНТИЛМОҚДА

(Боши 1-саҳифада) Фойдаланишга топширилган янги «Тошкент-3» маҳаллий ҳаво линиялари йўловчи терми-нали юқори технология ускуна-лар билан жиҳозланган ва бу ерда ҳам барча қулайликлар яратилган. «Нукус» аэропорти-да техник хусусиятлари барча халқаро талабларга жавоб бе-радиган унч-қўниш йўлга ре-конструкция қилинди. Ушбу унч-қўниш йўлаги барча тур-даги ҳаво кемаларини қабул қилиши мумкин. Аэропортлар ва терминаллар-да қўшимча хавфсизлик зона-лари ташкил этилаётди. Нияти бузуқ шахслар учун қордонлар ташкил этилмоқда, металл қидирғи мосламалар ва газ ана-лизаторлари ёрдамида текши-риш йўлга қўйилди, сканерлар ишлаб турибди, янги, янада му-камал ва ишончли техника во-

ситалари жорий этилмоқда, авиакомпания, боғжона ва че-рага хизматлари бўлиналарида назоратчилар сони кўпайтири-лди. Нафақат йўловчилар ва улар-нинг юклари, балки авиакомпания ходимлари ҳам текширувдан ўтказилмоқда. Аэропортлар ҳудудларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган-лари ходимларидан таркиб топ-ган постларни ташкил этиш, ушбу ҳудудларни видеокузатув тизимлари ва мақсус техник тек-шириш воситалари билан таъ-минлаш орқали хавфсизлик чо-рада кучайтирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, шубҳали шахслар-ни ўз вақтида аниқлаш имкони-ни бераётди. Яқинда мамлакатимиз бўйлаб ҳаво ҳаракатини бошқариш ти-зини модернизация қилинди, юқори маалакли кадрларни ўзи-мизда тайёрлаш, шунингдек, та-

рифлар ва чеғирмалар тизими ташкил этилди. Сифат менеж-менти тизими жорий қилиниб, ҳаво кемаларини таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш шакллари ўзлаштирилди. Ўзбекистон ҳаво ҳудудидан янада самарали фойдаланиш учун вертикал эшелонаштириш-нинг қисқартирилган минимуми (RVSM) жорий қилинди. Бунинг учун тегишли техник жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, RVSM ходимлари ва йўриқчилари ўқитилди. Бошқача айтганда, ушбу тизим жорий қилиниши натижасида мамлакатимиз ҳаво ҳудудидан фойдаланиш самара-ни қўшимча янада ошди, ҳаво тра-ссаларида аввалгидан кўпроқ са-моётларни ўтказиш имконияти яратилди. Авиакомпания самолётлари Европа, Осиё, Американинг қирқ-дан зиёд шаҳарларига парвоз

қилмоқда. Юртдошларимиз ва кўлаб меҳмонлар дунёнинг энг олис қитъаларига ҳам тўғридан-тўғри учиб мумкин. Рейслар географияси мунтазам кенгайиб бормоқда. Миллий авиакомпаниямиз тар-кибига қирадиган ва самарали фаолият кўрсатаётган "Uzbekistan Airways Technics" авиакомпаниси ҳам бу борада ўзининг салмоқ-ли хиссасини қўймоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини тобора ошириб бораётган ушбу корхона бундан нафақат "Ўзбекистон ҳаво йўллари" самолётларига, балки хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемаларига ҳам барча турдаги техник хизматларни кўрсатмоқ-да. Техник хизмат кўрсатишнинг юқори сифати ва янги хизмат турларини ўзлаштириб бораёт-ган авиакомпания ходимларининг юқори малакаси тегишли хал-қаро сертификатлар билан тас-

2012 йил — Мустақкам оила йили

Мамлакатимиз ички бозорини рақобатбардош ва сифатли мақсулотлар билан тўлдириш, аҳолини, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш орқали халқимиз фаровонлигини оширишда оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти катта. Мазкур соҳани ривожлантириш ҳамда унинг ҳуқуқий базасини мустақкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан даро-мад олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. У иштирокчилар ихтиёрига қўра, юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оила-вий корхона бўлади. Унинг фаолияти иштирокчилар меҳна-тига асосланади. Унда қандаки икки киши иштирок этиши лозим. Оила бошлиғи, унинг турмуш ўртоғи, болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрла-ри (хотинлари), туғилган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингил-лари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амама ва ҳолалари оилавий корхона иштирок-чилари бўлишлари мумкин. Фақат бир оилавий корхона иш-тирокчиси бир вақтнинг ўзидега бошқа оилавий корхона иш-тирокчиси бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, давлат орган-ларининг мансабдор шахслари ҳамда қўнун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўла ол-майдилар.

Оилавий корхонани давлат рўйхатида олиш кичик тадбир-корлик субъектлари учун жорий қилинган соддалаштирил-ган тартиб асосида амалга оширилади. У фаолиятини иштирокчиларга мулк ҳуқуқи асосида те-гишли бўлган турар ва нотурар жойларда амалга ошириши мумкин. Агарда турар жойлардан фойдаланилса, уни яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмай-ди. Фақатгина фаолиятнинг айрим турлари учун қўнун ҳуж-жатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Яшаш жойида ташкил этилган корхона учун товарлар ишлаб чиқаришдаги коммунал инфратузилма хизматлари ҳақи аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади. (Қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно). Оилавий корхона мустақил равишда товарлар ишлаб чи-қаришга, уларни тасарруф этиш, нарх белгилаш, мустақил равишда ўз молиявий маблағларини шакллантириш ва қарз маблағларини жалб этиш, шу жумладан, бошланғич капи-тални шакллантириш учун кредитлар олиш, лизинг ва сугур-та хизматларидан фойдаланиш, шартномалар тузиш, товар-ларни харид қилиш ҳамда реализация қилиш учун шартно-малар тузиш ҳуқуқларига эга. Шунингдек, фирма номи ёзил-ган муҳрлар бланка ва штамплардан фойдаланиши, товар белгисига эга бўлиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши мумкин. Шу билан бирга, оилавий корхона тузилган шартномалар бўйича зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида, тегиш-ли тартибда бажариши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов-ларни тўлаши, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлиги, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши, реализация қилинадиган мақсулот ва хизматлар учун қўнун ҳужжатлари-га мувофиқ сертифицикатларга эга бўлиши шарт.

Маълумки, оилавий корхона қўнун ҳужжатларида белги-ланадиган тартибда ягона солиқ тўловини тўловчи ҳисобла-нади. Бундай корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи ҳунар-мандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлаш-дан қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилина-ди. Бундай буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Оилавий корхона меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий фондларга қўнун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўлов-лар тўлайди. Таъкидлаш жоизки, янги ташкил этилган оилавий корхо-нанинг молия-ҳўжалик фаолияти у давлат рўйхатидан ўтка-зилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида ре-жали текширувлардан ўтказилмайди. Бюджет маблағлари ва марказлаштирилган маблағлардан ҳамда ресурслардан мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ тақдирлардан бундан мустасно.

Оилавий корхона банкда миллий ва хорижий валютасидаги ҳисобварақларини очиб мумкин. Бундан ташқари, оилавий корхонага кредитлар беришда банклар, бошқа кредит ёки сугурта ташкилотлари қафолат берувчи бўлиши мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўнун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда қафл бўлиши мумкин. Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, оилавий корхона — ҳар бир интилувчан, ўз келажагини ўйлаб бирор ишга қўл урган оилавий фаровонлик манбаидир. Чунки бундай фаолият бошқалар учун ҳам ўрناق, ҳам ибрат бўлиш билан бир-га, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлишига, жамиятнинг иқти-содий-ижтимоий асоси мустақамланишига хизмат қилади. **Мирзаходир БАДАЛОВ, юридик фанлари доктори, профессор, Мирислом БАДАЛОВ, тадқиқотчи.**

СИНОВ — РАҚОБАТГА КАФОЛАТ БЕРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартдаги "Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини давлат синовларидан ўтказиш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2004 йил 6 июлдаги "Маҳсулотларни сертифицилаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификациялаш ва синаш давлат маркази фаолиятида дастуриламал бўлди.

Марказ республикамиздаги корхоналарда ишлаб чиқаришга тайёрланган ва Ўзбекистон ички бозорига етказиб бериш учун режалаштирилган қишлоқ хўжалиги техникаларининг барча нусхалари, шунингдек, тегишли ташкилотлар томонидан келтирилиши кўзда тутилган ва тартибга солинадиган хориж қишлоқ хўжалиги техникалари, уларни республика қишлоқ хўжалигида ишлатишда ишончлигини ҳамда самарадорлигини текшириб, давлат синовларидан ўтказиш ва мувофиқлик сертификати беради.

Давлат синовлари уч босқичда ўтказилади, — дейди марказ бош директори Зафар Саидов. — Жумладан, қабул синовлари — тажриба намунаси сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг синовлари, шу маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши мақсадга мувофиқлиги ва ишлатишга тўғри келиш-келмаслигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Даврий синовлар — ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг назорат синови бўлиб, норматив-техник ҳужжатлар асосида белгиланган

ҳажмлар ва муддатларда, маҳсулот сифатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш ва уни ишлаб чиқаришни давом эттириш мақсадида мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Хорижий маҳсулотлар синовлари — қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ишончлиги ва самарадорлигини текшириб кўриш мақсадида, шунингдек, хусусият ва тавсифларини баҳолаган ҳолда муайян белгиланган вазифасини бажаришга мос келишини аниқлаш учун маҳсулот республика шарафидан синовдан ўтказилади.

Давлат синовларидан ташқари, сертификациялаш ва тақририй синовлар ҳам ўтказилади. Бунда маҳсулотлар хусусиятларини миллий ва халқаро норматив ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш, ишлатиш жараёнида техникаларда тез-тез содир бўладиган носозликлар сабабини ўрганиш ва бу носозликлар сабабчиси ишлатувчи ёки ишлаб чиқарувчи корхона эканлигини аниқлашдан иборатдир.

Марказ жорий йил давомида республикамиз ва хорижда ишлаб чиқарилган техника ва технология-



лар бўйича 21 та синов ўтказишни режалаштирган бўлса, биринчи ярим йилликда 12 та ана шундай синов ўтказилди. Жумладан, Тошкент "Агрегат" ОАЖ томонидан ишлаб чиқарилган РМУ-0,5М минерал ўғитлар сепиш, Намангандаги "Мехмаш" очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган РМУ-0,5 минерал ўғит сепиш, "Урганчкорммаш" ОАЖда ишлаб чиқарилган ПОН 3+1 плуги, Германиянинг "Lemken" фирмасида ишлаб чиқарилган "ЕврОпал 73+1" плуги, "Zirkon 7/250" ротационли борона, "Smaragd 9/300" диски культиватор, "Claas" фирмасининг "Доминатор 130" дон ўриш комбайнлари синовдан ўтказилиб, республика қишлоқ хўжалиги со-

ҳасига жорий қилишга тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида мунтазам равишда ходимлар малакаси ошириб келиняпти.

Марказ қишлоқ хўжалиги техникалари, усуналари ва технологияларни синовдан ўтказишда ҳамisha фермер хўжаликлари билан яқин мулоқотда. Жумладан, Янгийул туманидаги "Тангир Сафар", "Мамат полнов САДЭК", "Турсуноий зиёси", Куйи Чирчиқ туманидаги "Отабек", "Генерал-Н", "Баходир Аҳмедов" фермер хўжаликлари далалари ҳақиқий техникалар синов майдонига айланган.

Ахмадjon РИХСИБОЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.




Буюк Хитой девори кулаб тушди

Кучли ёмғир оқибатида Буюк Хитой деворининг бир қисми кулаб тушди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, деворнинг кулаб тушган қисми ўттиз олти метрни ташкил этади. Ушбу ҳодиса мамлакатнинг Хэбэй туманида содир бўлган. Кулаган девор атрофидаги жойларда катта ёриқлар пайдо бўлган. Айтиш жоизки, Хитойда сўнгги бир ой давомида ёққан тинимсиз ёмғир оқибатида Пекин шаҳри ва Хэбэй туманида юздан зиёд одам ҳалок бўлган, йигирмадан ортиқ одам бедарак йўқолган.

Осмонўпар миноралар

Баланд бинолар бўйича халқаро кенгаш дунёдаги энг баланд миноралар бешталигини эълон қилди.



Италиянинг Милан шаҳридаги 161 метрлик "Palazzo Lombardia", Канаданинг Миссиссога шаҳридаги 179

ва 158 метрлик "Absolute Towers" миноралар мажмуаси, Сиднейдаги 135 метрлик "Bligh Street" биноси ва Қатар пойтахти Доҳадаги 238 метрлик "Doha Tower" минораси осмонўпар миноралар сафининг пешқадамларига айланди.

Шунингдек, Абу-Дабиддаги 145 метр баландликдаги "Al Bahar Towers" минораси янги инновация гоним учун махсус муқофотни кўлга киритди. Мазкур миноранинг ташқи фасади кўёш энергиясини йиғувчи панеллар билан қопланган бўлиб, улар кўёш нуруларни бўйлаб-автоматик равишда ҳаракатланади.

Ўжар ўргимчак

Хитойлик Ли исмли аёлни текширувдан ўтказган шифокорлар гайриоддий ҳолга гувоҳ бўлдилар.

Аёл қулоғида ўргимчак ин қурган. Буни кўрган бемор ҳушидан кетишига сал қолган. Шифокорлар бу ҳавфли ҳаётроқ қандай қилиб беморнинг қулоғига жойлаштиришга ҳайрон. Маълумотларга кўра, қулоғи

тинмай безовта қилган аёл кучли оғриқдан шифокорга мурожаат қилган. Лининг қулоғидан ўргимчак аллақачон олиб ташланган бўлса-да, у қулоғида кўнин топанган ҳаётроқдан кутулганига ишонмаяпти.

Тезпишардан қочинг!

Аделаид университети олимларининг таъкидлашича, фаст-фуд маҳсулотлари болаларнинг аклий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Текширув натижаларига кўра, витамин ва оқсилларга бой маҳсулотларни тез-тез истеъмол қилувчи болаларнинг аклий салоҳияти тенқурларига нисбатан саккиз йилга илдамлаб кетар экан. Тезпишар таом саналмиш фаст-фудни мунтазам истеъмол қилган болаларда эса бу кўрсаткич аксинча, беш-олти йилга пасаяди.

Шунга қарамай, фаст-фуд маҳсулотларини севиб истеъмол қилувчилар сонини тобора ошмоқда. Маълумотларга қараганда, ана шундай тезпишар таомлар қироли бўлмиш «McDonald's» даромади жорий йилнинг шу давригача беш фоизга кўта-



рилган. 2012 йилнинг охирида мазкур компаниянинг соф даромади 28,43 миллиард АҚШ долларига етади. Қарийб олтимиш йилдан буён хўрандаларни лаззатланиш, тезпишар таомлари билан ҳушнуд этаётган «McDonald's»-нинг дунёнинг юздан ортиқ давлатларида ресторан тармоқлари фаолият юритмоқда.

Гипертонияга даво — тарвуз

Дунё олимлари тарвуз гипертония хасталигининг олдини олиш ва уни даволаш хусусиятига эга, деган фикрда.



Маълумотларга қараганда, ушбу полдиз маҳсулотини таркибидagi моддалар қон

босимини меъёрда сақлаб туривчи айрим дори воситаларининг ўрнини босиши мумкин. Бир гуруҳ беморлар иштирокида олиб борилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, тарвуз таркибидagi аргинин ва цитруллин инсон организмидagi қон босимини оширувчи моддаларнинг фаолиятини жараёнини сустайтиради. Шу бўлиб, шифокорлар тарвузни инсон қадар кўпроқ истеъмол қилишни тавсия этмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Навоий Вилояти

КОРХОНАДА СИФАТЛИ ИП-КАЛАВА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Навоий шаҳрида бир кеча-кундузда бир тонна пахта қайта ишлаш қувватига эга ип йиғирув корхонаси ишга тушди. Ҳозирда тайёрланаётган ип-калава "Пахтаसानот" уюшмаси тизимидаги тўқимачилик корхоналарига етказиб бериляпти.



— Янги корхонани барпо этиш лойиҳа қиймати 600 миллион сўмни ташкил этди, — дейди Навоий вилояти "Пахтаसानот" ҳудудий бирлашмаси бўлим бошлиғи Мамаёқуб Назаров. — Ушбу маблағнинг 400 миллион сўми дастаҳолар, асбоб-ускуналар сотиб олишга, 200 миллион сўми эса қурилиш-монтаж ишларига сарфланди. Янги корхонада 65 та янги иш ўрни яратилди.

— Меҳнатимиз маҳсули бўлган ип-кавалаларга қараб ишимга бўлган меҳрини янада ошади, — дейди ип йиғирув цехи оператори Дилфуза Бобқандова. — Пахтадан тайёрланаётган оппоқ ипларнинг эртага бе-

жирим кийим-кечакларга айланишини тасаввур қилсам, бу ишда менинг ҳам озгина бўлса-да, ҳиссам борлигидан қалбим қувончга тўлади.

— Корхонамиз фаолиятини бошлагандан буён бирор фурсат бўш туриб қолганимиз йўқ, — дейди оператор Моҳигул Очилова. — Албатта бунинг сабаби, маҳаллий хомашёнинг мавжудлиги ҳамда цехларимизда замонавий технологиянинг жорий этилганида. Қолаверса, ишчиларнинг ҳам барчаси ма-

лакали. Айниқса, касб-ҳунар коллежларини битириб келган ёшлар қисқа вақтда ўз ишларининг устасига айланиб улгуриниши.

Навқирон Навоий шаҳрида ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулотлари рақобатбардошлиги, экспорт салоҳияти жиҳатидан бири биридан қолшмайдиغان корхоналар кўп. Эндигина ишга тушган мазкур жамият ҳам ана шундай йирик корхоналардан иборат бўлишига ишончимиз қомил.

Абдурақул САТТОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах Вилояти

Бурхон Темиров қарийб 30 йилдан буён Мирзачўл тумани марказий шифохонасида ишлайди. У юзлаб беморларнинг жонига оро қирган, дардига шифо бахш этган тажрибали ва билимдон шифокор.

ЯХШИ ИНСОН, ЯХШИ ШИФОКОР... ВА ЯХШИ БОҒБОН

Одамлар дардига шифо-улашиб келаётган Бурхон Темировнинг хайрли ишларини ёзса бир дoston бўлади. Буни қарангки, касби эзгуликка бахшида инсоннинг қўли ҳам гул бўлар экан. Бурхон Темиров яхши инсон, яхши шифокор ва... яхшигина боғбон ҳам экан. У бундан олти йил бурун "Мирзачўл" сув истеъмолчилари уюшмаси марказидан бир гектар ер олганди. Оила аъзолари билан бу ерни ўзлаштириб, кўплаб мева қўчатлари ўтказди. Дарахтлар қатор орасига аввалига помидор, бодринг ва сабзавот экинлари, кейинчалик беда экди. Бултурдан бошлаб дарахтлар ҳосилга кирди.



— Қишлоғимиз кишилари тўй-маъракалар ва бошқа оилавий тадбирлар учун бозордан эмас, Бурхон аканинг меваларидан олишади, — дейди меҳнат фаҳрийси, "Шўхрат" медали соҳиби Мирсалоҳиддин Ҳамидов. — Мевалари эса сархил. Боғида олманнинг 5 та, шафтолининг 4 та, ўрик ва навшатиларнинг бир неча тури мавжуд. Тўй дастурхонларига дарахт шохларидан янги узилган тотли меваларни қўйганга нима етсин. Бурхон акани боғбон сифатида ҳам қўшни қишлоқлардан ва ҳатто туман марказидан сўраб келувчилар кўлайиб бораётир. Демак, боғбоннинг мевалари сифатига гап йўқ, Боғига ҳам, боғбонига ҳам балли!

Тиниб-тинчимас Бурхон Темиров қишлоқ

четидаги зовур бўйида 3-4 гектар гумайзор ва қиёқзорни ўзлаштириб, анорзор ва бодомзор яратишни дилга тукхан.

— Атрофини жийда қўчатлари билан ўрасамми даяман, — дейди у. — Анор ҳам, бодом ҳам, жийда ҳам шўрга чидамли.

Ҳа, Бурхон Темиров орау ортидан астойдил меҳнат қиладиган ва албатта, мақсадига етадиган кишилардан.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Андижон Вилояти

Булоқбоши туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқувчилари янги ўқув йилини янги бинода бошлашади.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТУҲФА

Таълим масканида олиб борилган мукамал таъмирлаш ишлари натижасида 180 ўринли ўқув биноси ва спорт зали қуриб битказилди. Кимё, физика хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

— Туманимиздаги 33 та мактаб ва 22 та мактабгача таълим муассасалари ҳам таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тайёрлаб қўйилди, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирининг ўринбосари Шавкатбек Қозоқов. — 2-мактабгача таълим муассасасида ҳам мукамал таъмирлаш ишлари ўтказилмоқда.

Узоқбой САКСОНБОВ

Самарқанд Вилояти

«МАКТАБ БОЗОРЛАРИ» ИШ БОШЛАДИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ БИР ҚАТОР УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ВА ЎРТА-МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА, БОЗОРЛАР ВА ЙИРИК САВДО МАЖМУАЛАРИДА АНЪАНАВИЙ "МАКТАБ БОЗОРЛАРИ ВА ЯРМАРКАЛАРИ" ИШ БОШЛАДИ.

Ҳар ўқув йили олдида ташкил этилаётган мактаб ярмаркалари ота-оналарга қўлайлик яратиш, ўқувчиларни юқори сифатли, арзон ўқув қуроллари ҳамда кийим-бош билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Худудларнинг туман ва шаҳар марказларидан, бозорлардан узоқлиги ҳисобга олинган ҳолда, вилоят бўйича 174-умумтаълим мактабида ярмаркалар ташкил этилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси умумтаълим мактаблари бўлими бошлиғи Қўлдош Саидов. — Шунингдек, вилоятдаги барча бозор ва савдо марказларида шундай ярмаркалар фаолият кўрсатмоқда. Уларда белгиланган тартибда ўқувчилар учун 27 турдаги ўқув қуроллари, мактаб формалари савдога чиқарилган. Ярмаркалардаги маҳсулотларнинг сифати, нархи, шунингдек, ўқув қуролларидаги сурат ва бошқа воситаларнинг маънавий-ахлоқий молиги қатъий назоратга олинган. Бу борада тегишли идоралар билан ҳамкорликда иш олиб берилмоқда.



Самарқанд туманидаги 10-умумтаълим мактабидa ташкил этилган ярмарка. Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўқув йили арафасида етти умумтаълим мактабидa худудий ярмаркалар фаолияти йўлга қўйилди. Бу масканларда тумандаги 45-умум-

Ф.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

«Fitch Ratings»

халқаро рейтинг агентлиги

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

очиқ акциядорлик-тижорат банкнинг кредит рейтингини

«БАРҚАРОР»

деб баҳолади.



MIKROKREDITBANK

«Микрокредитбанк» сармоялари – тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараккиёт хизматида!

ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



«АСАКА» банк (ОАЖ)

жамоаси Сизларни Мустақилликнинг 21 йиллик байрами муносабати билан қизгин қутлайди ва қуйидаги янги миллий валютадаги муддатли омонат турини таклиф этади:



«МУСТАҚИЛЛИК 2012»

Сақланиш муддати – 12 ой.
Ҳисобланган фойдалар олдиндан
ёки омонат ёпилгандан
(12 ойдан) сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча
филиалларида очиш мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН «АСАКА» БАНК (ОАЖ)
ФИЛИАЛЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

- | | |
|--------------------------------|-----------------|
| 1. Тошкент шаҳар филиали | (371) 120-83-13 |
| 2. «Автотранспорт» филиали | (371) 120-39-95 |
| 3. Шайхонтоҳур филиали | (371) 140-39-36 |
| 4. Юнусобод филиали | (371) 221-80-67 |
| 5. Сирғали филиали | (371) 258-67-49 |
| 6. Тошкент вилояти филиали | (371) 120-84-13 |
| 7. Андижон вилояти филиали | (374) 224-40-96 |
| 8. Асака филиали | (374) 233-13-69 |
| 9. «Фарҳод» филиали | (374) 226-97-53 |
| 10. Фарғона вилояти филиали | (373) 224-70-83 |
| 11. Марғилон филиали | (373) 237-12-37 |
| 12. Олтиариқ филиали | (373) 432-10-11 |
| 13. Кўкон филиали | (373) 552-61-04 |
| 14. Наманган вилояти филиали | (369) 226-94-75 |
| 15. Навоий вилояти филиали | (436) 223-54-32 |
| 16. Зарафшон филиали | (436) 573-18-78 |
| 17. Бухоро вилояти филиали | (365) 223-71-94 |
| 18. Бухоро шаҳри филиали | (365) 770-11-27 |
| 19. Самарқанд вилояти филиали | (366) 231-08-86 |
| 20. «Афросиёб» филиали | (366) 221-77-56 |
| 21. Қашқадарё вилояти филиали | (375) 221-12-93 |
| 22. Сурхондарё вилояти филиали | (376) 770-82-12 |
| 23. Қорақалпоғистон филиали | (361) 770-60-59 |
| 24. Хоразм вилояти филиали | (362) 226-97-78 |
| 25. Сирдарё вилояти филиали | (367) 225-44-03 |
| 26. Жиззах вилояти филиали | (372) 226-43-11 |

«АСАКА» БАНК (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПЎЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.



ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Производство ООО «Agro fit»

НРК

для всех типов растений

тел.: (+998 98) 127-53-63
факс: (+998 71) 283-35-73
chemister@inbox.ru
www.agrofit.uz

Тошкент ш. Сергели т. хокимлиги ҳузурдаги ТСРҲИ, (Сергели т. А. Ахматова кўч., 1-уй) томонидан (05.01.2012 й. реестр № 003286-06) рўйхатга олинган «CUSTOM CLEARANCE» ХК (манзил: Тошкент ш., Сергели т., Кичик кўч., 80-уй, СТИР 302168097) таъсисчисининг 14.08.2012 й.даги 2-сонли қарорига асосан тугатилади. Даволаш эълон чоп этилгандан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.

Всем заинтересованным сторонам, Решением специальной комиссии № Р-02/4-10/106 Государственного комитета Республики Узбекистан по демонализации и развитию конкуренции от 31 июля 2012 года дано согласие на приобретение иностранной компанией «Allied Capital Holding S.A.», дополнительно 61,69% акций общества ОАО «S.Q. Islombekov nomidagi O'zlimyofarm» и в совокупности довести долю данной компании до 89,23%.

ООО «AZIZJON GAZ INVEST» зарегистрированное отделом гос регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского р-на г. Ташкента (реестр № 002230-06 от 30 сентября 2009 г), расположенное по адресу: г. Ташкент SPUTNIK 4 MAVZE, 10-UY, 8-XONADON (ИНН 301333067), ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

ООО «MBA CONSTRUCTION PLUS» (ИНН 301509147), зарегистрированное 22.02.2010 г. ИПСП Шайхонтоҳурского р-на г. Ташкента (реестр № 004052-09) по адресу: г.Ташкент, Шайхонтоҳурскый р-н, ул. Кичик Халка Йули 8А, в соответствии с Решением единственного учредителя от 16.08.2012 г. ликвидируется. Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент, Шайхонтоҳурскый р-н, ул. Кичик Халка Йули, 8А, и по тел: 249-54-54

Тошкент ш., Яқкасарой т. хокимлиги ҳузурдаги ТСРҲИ томонидан рўйхатдан ўтган «SARDOR SHER BEK» МЧЖга тегишли бурчак штамли йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш., Сергели т., ТСРҲИ томонидан Жураев Мурод Йўлдашлиевич номига Дехкон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш учун 22.11.2011 й.да берилган № 0605506 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО «BEM-SYSTEMS» (на основании решения участников от 15.08.2012 г.) извещает всех заинтересованных лиц об уменьшении размера уставного фонда с 150 000 000 до 147 000 000 сумов. Адрес: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко,28. Тел: 200-00-22, 200-03-30.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ
«ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ»

Ҳаммаси кичикдан бошланади!

Кичик бизнес учун кредитлар
Кредит олиб ғояларингизни
рўёбга чиқаринг!

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

ПРЕССПОДБОРШИК КЕРАКМИ? МАРҲАМАТИ!

«Agtech Agri» шуъба корхонаси Тошкент шаҳридаги омборхонадан Италияда ишлаб чиқарилган хашак, сомон йиғиш (прессподборщик) техникасини таклиф этади.

Шунингдек, John Deere компаниясининг барча турдаги қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда JCB (Англия) компаниясининг Экскаватор, экскаватор-погрузчик ва йўл-хуришиш техникалари етказиб берилди.

Манзил: Тошкент ш. Навоий кўчаси, 3/75
Телефонлар: (+99871) 244-69-79, (+99871) 241-07-29
E-mail: info@agtech.uz www.agtech-agri.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

«Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастр хизмати» ДУК томонидан жамъиятнинг шайх Исламов Зафаруддин номига Тошкент ш., Ҳамза тумани С.Азимова кўч., 51-уй, 22-кўнадон улуи 24.08.2009 й.да берилган ТА № 0824966 сонли кадастр гувоҳномаси ва уй план хужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Мева-Шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси жамоаси тизимдаги Наманган тажриба хўжалиги раҳбари Абдумалик НИШОНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия билдиради.

<p>Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехнология комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РҲЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОУРБЕКОВ, Абдуҳасан ТАМИКЛАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулло ЮНУСОВ, Анвар КУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).</p>	<p>Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>ISSN 2010-7023</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маълумот ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамъатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.</p> <p>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Навоий — (8-366) 921-50-08; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.</p>	<p>Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.</p> <p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</p>	<p>Набатчи муҳаррир: Ҳ.МУМИНОВ Мусаҳҳаб: О.ОЧИЛОВ Дизайнер: М.БОСОМУХАММЕДОВА</p>
--	---	---	--	---	--	---